



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2013 йил 15 АВГУСТ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 160 (12.471)

Баҳоси эркин нарҳда

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 14 август куни Оқсаройда «Боинг – фуқаро самолётлари» компанияси президенти, «Боинг» корпорацияси вице-президенти Рэймонд Коннерни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, «Боинг» компанияси замонавий йўловчи самолётлари етказиб бериш, фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш соҳасида Ўзбекистоннинг ишончли ва узоқ муддатли ҳамкори эканини таъкидлади.

Бугунги кунда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Боинг» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган 15 самолётдан фойдаланмоқда. Авиаташувларнинг ярмидан кўпроги, жумладан, АҚШ ва Япония каби узоқ мамлакатларга парвозлар ушбу замонавий ҳаво кемаларида амалга оширилмоқда. 2016 йилда яна иккита «Боинг 787-800 Дримлайнер» самолёти етказиб бериш режалаштирилган.

Миллий авиакомпаниямиз учун учувчилар тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида

ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг ўқув-машғулот марказини машқ ускуналари билан жиҳозлаш, Тошкент шаҳрида «Uzbekistan Airways Technics» авиакорхонаси негизда самолётлар конструкциясининг йирик композит қисмларини таъмирлаш минтақавий марказини ташкил этиш бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Рэймонд Коннер самимиي қабул, очик фикр алмашув ҳамда «Боинг» компанияси фаолиятига берилган юксак баҳо учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор этиб, ўзи раҳбарлик қилаётган компания ўзбекистонлик шериклар билан ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорликни давом эттиришга тайёр эканини билдирди.

(ЎЗА)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОЙИШИ

РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ РЕЙТИНГИНИ БАҲОЛАШ БЎЙИЧА ИШЧИ КОМИССИЯСИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқаро тажриба, талаблар ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда мамлакат олий таълим муассасаларининг илмий-педагогик фаолиятини рейтинг баҳосини ҳолисона аниқлаш принциплари, ёндашувлари ва мезонларини синов тарзида апробация қилиш мақсадида:

1. Бунинг учун иловага мувофиқ таркибда Ишчи комиссияси тўзилсин.

2. Ишчи комиссияси (Б.Ю.Ходиев) икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги 371-сонли қарори билан белгиланган олий таълим муассасалари тузилмаси рейтинг баҳолари тизими балларининг кўрсаткичлари ва даражасини, уларнинг халқаро мезонлар ва стандартларга мослиги, олий ўқув юртлири илмий ҳамда педагогик фаолияти даражаси ва сифатини ошириш, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида талаб қилинаётган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида вазифаларини танқидий қайта кўриб чиқсин.

Бунда олий ўқув юртлири илмий-педагогик фаолиятининг қуйидаги энг муҳим мезонларига алоҳида эътиборни қаратиб, юқори баллар белгилансин:

чет эллардаги олий ўқув юртлири билан қиёслашганда ўқитиш савияси ва си-

фати, профессор-ўқитувчи кадрларнинг малака даражаси, уларнинг ўқитишни халқаро талаблар даражасида таъминлайдиган замонавий педагогик технологияларни эгаллашгани, мамлакатимиз олий ўқув юртлири ўқитувчиларининг чет эл олий ўқув юртлирида маърузалар ўқишдаги иштироки;

олий ўқув юртлирини битириб чиқанларнинг мутахассислиги бўйича ишга жойлашув даражаси ва олий ўқув юртлирининг кадрлар тайёрланаётган корхоналар билан ишлашини ташкил этиш сифати;

олий ўқув юртлирида ўтказилаётган илмий-техшириш ишларининг самарадорлиги, энг аввало экспериментал-лаборатория базасининг ҳолати, уларнинг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиш даражаси, корхоналар, илмий-тадқиқот институтлари ва конструкторлик бюролари базасида илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш.

3. Ишчи комиссияси (Б.Ю.Ходиев):

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан биргаликда 2013 йилнинг 1 ноябрга қадар муддатда юқори босқич талаба-

ларининг махсус соҳа фанлари бўйича билимлари даражасини ва олий ўқув юртида мутахассислар тайёрлаш сифатини баҳолаш учун дарсларни ўзлаштириш савиясини аниқлаш мақсадида танлаб олиб тест синовларидан ўтказсин;

эксперт гуруҳлари иштирокида 2013 йилнинг 1 декабрга қадар муддатда эксперимент тартиқсизда 2-бандда баён этилган принцип ва мезонлар асосида олий таълим муассасаларининг рейтингини баҳолашнинг ўтказилган ишларининг натижалари бўйича 2014 йилнинг 1 январига қадар муддатда олий ўқув юртлири рейтингини баҳолаш тизими ва методикасини, шунингдек, улар фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш бўйича аниқ таклифлар билан бирга якуний ахборотни Ўзбекистон Республикаси Президенти девоинга тақдим этсин.

4. Мазкур фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И.Икромов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ж.Ф.Исмоилов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2013 йил 14 август

Обод шаҳрим — озода шаҳрим

ОБОДЛИК КЎНГИЛДАН БОШЛАДИ

Август — ободонлаштириш ва тозалик ойлиги

Анъанага кўра, Энг улуг, энг азиз байрамимизнинг йилгирма икки йиллигини муносиб нишонлашга тайёргарлик кўриш, халқимиз орасида миллий қадриятларимизга хос бўлган ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжихатликни янада кучайтириш, бегараз ёрдам, меҳр-муруват каби эзгу фазилатларни юксалтириш, маҳаллалар, аҳоли турар жойларини ободонлаштириш, пойтахтимизнинг барча ҳудудларида санитария ҳолатини яхшилаш ҳамда «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 августдаги 494-ф - сонли фармойиши қабул қилиниб, 2013 йил август ойида Тошкент шаҳрида ободонлаштириш ва тозалик ойлигини ҳамда 24-25 август кунлари умумхалқ хайрия ҳашарини ўтказиш белгиланди.

Шунингдек, бу борада Тошкент шаҳар ҳокимининг шу йил 12 август куни 629-сонли қарори имзоланди. Унга

кўра ойлик доирасида туман ҳокимликлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, корхоналар, таълим муассасалари, тегишли бошқарма ва ташкилотлар томонидан маҳаллалар, кўп қаватли бинолар ва ҳовлилар атрофи, гузарлар, хиёбонлар, зиёратгоҳлар ва қабристонлар ҳамда ариқлар, кўча, йўлак ва лотоклар, оқва сув қудуқлари тозаланади, болалар майдончалари тартибга келтирилади. Барча турар жой мазеелари, маҳаллаларда гул қўчатлари, мевали ва манзарали дарахтлар экилиши, бўш ҳудудларда боғлар барпо этилиши, дарахтлар оқланиши кўзда тутилган.

Кекса ва ногиронлар, ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларнинг уй-жой шaroитларини яхшилашга кўмаклашиш ҳам белгиланган.

Хайрия ҳашаридан тушган маблағларнинг «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган тадбирларни амалга ошириш, кам таъминланган оилаларга, ногирон ва ёлғиз кексаларга моддий ва маънавий ёрдам



Мустақиллигимизнинг ҳар бир йилида мамлакатимиз тарихи саҳифаларига улкан бунёдкорлик, тараққиёт ва фаровонлик борасидаги муваффақиятлар зарҳал ҳарфлар билан битилмоқда. Истиқлолнинг 22 йиллик қутлуг санаси Юнусобод туманида ҳам ўзига хос ютуқлар билан қутиб олинмоқда. Биз туманга уюштирган сафаримиз давомида бунга яна бир бор амин бўлдик.

ЮНУСОБОД ТУМАНИ: ТАРАҚҚИЁТ ВА ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

Туманда 58 та маҳалла, 430 та кўча мавжуд бўлиб, 41 та умумтаълим, 3 та мусика мактаблари, 16 та олий ва ўрта махсус ўқув юрти, 4 та шифохона, 9 та оилавий поликлиника, 450 ўринли битта санаторий, битта ҳайвонот боғи, 2 та кинотеатр, 5 та маданият уйи, 2 та маданият ва истироҳат боғи, 4 та музей, 2 та теннис корти, етти та сузига ҳавзаси 309,5 минг аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда.

Ўтган давр мобайнида туманда ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда ислохотлар давом эттирилиб, қатор ижобий кўрсаткичларга эришилди.

Жумладан 2013 йилнинг биринчи ярим йиллигида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан саноат ишлаб чиқариш 137,4 фоизга ошди, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 102,5, чакана савдо айланмаси 110,8, пуллик хизматлар бўйича ўсиш 114,3 фоизни ташкил этди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш доирасида биринчи ярим йилликда 4079 та иш ўринлари ташкил этилиши белгиланган бўлиб, амалда январь-июнь ойларида 4217 та иш ўринлари яратилган.

Кичик корхоналар ва микрофирмалар ташкил қилиш режаси 102,2 фоизга, уй-жой қуриш ва таъмирлаш соҳаси 140,0 фоизга, хизмат кўрсатиш

ва сервис соҳаси 101,5, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш режаси эса 100,3 фоизга таъминланди.

Кўп қаватли уйларнинг капитал таъмирланишига ҳам катта эътибор қаратилди. 20 та кўп қаватли уйнинг 4 тасида фасад қисми, 1068 та уй йўлаги, 9 та лифт жорий таъмирдан чиқарилди. 16 та болалар майдончаси қурилиб фойдаланишга топширилди.

Биргина «Чинор» маҳалласида 137 та кириш йўлаги таъмирланиб 218 та кодли кулф ўрнатилди, «Уч қаҳрамон» маҳалласида 32 та йўлак таъмирланиб 120 та кодли кулф ўрнатилди. 2 та болалар майдончаси таъмирланиб кўп қаватли уйлар ораллигига 4250 м² асфальт ётқизилди, 50 та ўриндиқлар ўрнатилди. «Дўстлик» маҳалласида ҳам 22 та уй йўлаги таъмирдан чиқиб, 42 та кодли кулф ўрнатилди. Шунингдек, 4020 м² ҳамда томлар таъмирланди. Битта болалар майдончаси қурилиб кўп қаватли уйлар ораллигига асфальт ётқизилиб, 100 та ўриндиқлар ўрнатилди.

Хулоса қилиб айтидиган бўлсак, юнусободликлар Мустақиллигимизнинг 22 йиллигини ҳар бир соҳадаги самарали ютуқлар билан қутиб олишга шайланишган.

(Юнусобод туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз)



кўрсатиш, ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, маҳаллалардаги мавжуд спорт майдончаларини жорий таъмирлаш ҳамда уларни керакли анжомлар билан жиҳозлаш, маҳалла фуқаролар йиғинларининг моддий-техника базасини яхшилаш каби тадбирларга сарфланиши назарда тутилган.

Азиз юртдошлар, ободонлаштириш ва тозалик ойлигида ҳар биримиз фаол иштирок этиб, гўзал шаҳримиз кўчаларида, маҳаллаларда, кўп қаватли уйларимиз атрофида тозалик ва ободончиликка ҳисса қўшайлик. Ободлик кўнгилдан бошланган экан, бир-биримизга меҳр-оқибат, мурувватли бўлиб жонажон Ватанимиз Мустақиллигининг 22 йиллигини муносиб қутиб олайлик!



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Фарғона шаҳрида «Қамолот» ЁИХ вилоят кенгаши томонидан корхона, ташкилот ва муассасалардаги бошланғич ташкилотлар етакчилари учун «Ватан равнақи йўлида бирлашайлик!» шиори остида ўқув-семинар ўтказилди. Уч кун давом этган ўқув-семинар машғулотида «Қамолот» ЁИХ дастури, низоми ва тузилмалари, бошланғич ташкилотларни ташкил этиш ҳамда уларнинг иш юритишида, ёшлар билан ишлашда ўзига хос психологик хусусиятларга тааллуқли барча масалалар муҳокама этилди.

● Нукус шаҳрида Ватанимиз Мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб хотин-қизлар ўртасида ўтказилаётган спорт фестивалининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи якунланди. «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида бўлиб ўтган мазкур спорт байрамида фестивалнинг шаҳар ва туман босқичида голибликни қўлга киритган 14 жамоа иштирок этди.

● Навоий шаҳрида янги ўқув йили олдидан бозор ва турли савдо мажмуаларида мактаб бозори ва ярмаркалари иш бошлади. Ўқувчилар ва ота-оналарга қулайлик яратиш мақсадида ташкил этилаётган бундай ярмаркаларда ўттизга яқин турдаги зарур ўқув воситалари харидорларга тақдим этилмоқда. Ватанимиз Мустақиллигининг 22 йиллиги арафасида шаҳардаги «Гулзор» савдо марказида буюртма асосида мактаб кийимлари тикиш йўлга қўйилди.



● Кўнғирот туманидаги болалар мусика ва санъат мактабида ўтказилган қизиқарли учрашувда Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусикали театри ижодий жамоаси Мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрамига бағишланган концерт дастурини намойиш этди. «Совға» деб номланган мазкур кўнгилочар дастурдан театрнинг таниқли ижодкорлари ижросидаги Ватан ҳақида кўшиқлар, саҳна кўринишлари ўрин олган.

ЖАҲОНДА


● Маълумки, 2013 йилнинг апрель ойи охирида Марс сайёрасига учини хохловчилардан аризаларни қабул қилиш бошланган эди. Бугунги кунга келиб «Қизил сайёра»га парвоз иштиёқмандлари сони юз минг нафардан ошиб кетди. Режага кўра, дастлабки саёҳатчилар Марсга 2023 йилнинг 22 апрелида парвоз қилади. Шу боис 2015 йилнинг июль ойида номзодлар орасидан 24 нафари танлаб олинди, улар саккиз йил давомида парвозга тайёрлаб борилади.

● Швециянинг «Volvo» автокомпанияси ҳайдовчисиз машина ҳаракатланишини таъминловчи автоматик тизим яратди. Бу тизимни ҳайдовчи машинадан тушиб, смартфон ёрдамида бошқаришни ёки аввалдан хотирасига ёзилган «эслатма» бўйича ҳаракатланишини таъминлаши мумкин. Яъни машинанинг турли жойларига ўрнатилган сенсорлар ва датчиклар бу вазифани беҳато бажаради. Автокомпания маъмурияти келгуси йилнинг охиридан уни сотувга чиқаришни мўлжаллаб турибди.

● Японияда ҳаво ҳароратининг ҳаддан зиёд кўтарилиб кетиши аҳолини қийин аҳволга солиб қўйди. Жумладан, жорий ҳафта бошида Коти префектурасининг Симанто шаҳрида рекорд кўрсаткич — Цельсий шкаласи бўйича 41 даража иссиқ қайд этилган. Бу намлик юқори бўлган кунчиқар мамлакат учун жуда оғир вазиятни вужудга келтирди. Натижада мингдан ортиқ одам шифохонага ётқизилган, олти киши ҳаётдан қўз юмган.



ЮНУСОБОД ТУМАНИ: ТАРАҚҚИЁТ ВА ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА



Иқтисодиёт

СИФАТЛИ ВА ҚУЛАЙ МАҲСУЛОТЛАР

Корхоналар фаолиятига журналист нигоҳи билан назар солар эканмиз, шаҳримизда ишлаб чиқариш корхоналарининг жаҳон стандартларига жавоб берадиган илғор ускуналар билан таъминлангани, маҳсулотларнинг сифати эса дунё миқёсида ўзига хос нуфузга эга эканлигига яна бир бор амин бўлдик.

— 2010 йилдан буён фаолият юритаётган корхонамизда бугунги кунда курувчилар, сантехниклар ва бошқа соҳа ходимлари учун устки иш кийимлар, жумладан, турли ўлчамларда куртка, пиджак ва қўлқопларнинг эллика яқин тури тайёрланмоқда, — дейди «Химоя кийим» масъулияти чекланган жамияти директори Равшан Зокиров. — Бугунги давр талабига жавоб берадиган

Сафаримизда бизга ҳамроҳлик қилган туман иқтисодиёт бўлими бошлиғи Хусан Тўрахўжаев бизларни «Химоя кийим» масъулияти чекланган жамиятига бошлаб борар экан, Юнусобод туманида фаолият олиб бораётган корхоналарнинг фаолияти, бугунги кунда эришаётган ютуқлари хусусида қисқача изоҳ бериб таништириб борди.

сифатли ва қулай маҳсулотларни аҳолига етказиб бериб, мамлакатимиз иқтисодиётининг ўсишига имкон қадар ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан мамнунмиз.

Корхонада қирқдан ортиқ тажрибали ишчилар фаолият олиб бормоқда. Ўтган йил якунларига қўра жамият томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот

ҳажми 2012 йилга нисбатан 50 фоизга кўпайди. Жамoa 2013 йилда «Ташаббус» кўрик-танловининг туман босқичида фаол иштироки учун диплом ва махсус совғалар билан тақдирланди. Шунингдек, Тошкент саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида қатнашиб махсус сертификат билан тақдирланди.

Туманда янги қурилган бинолар, ишга туширилган иншоотларни кўздан кечирар эканмиз 55-оилавий поликлиника эътиборимизни тортди. Иш бошлаганига ҳали бир йил ҳам бўлмаган тиббиёт муассасасининг янги бинода фаолият олиб бораётгани Истиклолимизнинг қутлуғ санасига муносиб тухфадир.

Тиббиёт

ОИЛАВИЙ ПОЛИКЛИНИКА КЎРКАМ ВА ШИНАМ БИНОДА

— Поликлиникамизнинг шундай кўркам, шинам янги бинода, энг замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган ҳолда аҳолига фаолият олиб боришни бошлаганидан бениҳоя мамнунмиз, — дейди 55-оилавий поликлиника бош шифокори Дилфуза Исаева. — Бунда «Универсал қурилиш сервис» МЧЖ қўли гул бунёдкорларининг хиссаси каттадир. Муассасамиз тумандаги «Дўстлик», «Юнусота», «Тинчлик», «Иттифок» каби маҳаллалар аҳолисига хизмат кўрсатади. Ёш келин-куёвларнинг оила қуришлари олдидан тиббий кўрикдан ўтишлари масалаларига қатъий ёндашиб иш олиб борамиз. Шифокорларимиз нафақат уларни тиббий кўрикдан ўтказиш, балки кейинги ҳаётларида асқотадиган масалалар ва йўриқларни бериб бориш билан бирга, мунтазам равишда улар учун маҳаллалар ҳамкорлигида турли тадбирларни ҳам ташкиллаштиришди. Ёш оналарга эътибор, уларнинг соғлиқларини назоратга олиш, соғлом фарзанд дунёга келишини таъминлаш, турли юқумли хасталикларнинг олдини

олиш борасида вақтида эллаш бўйича амалга оширилаётган ишлар самараси ўлароқ, оналик ва болаликнинг бахтли ва фаровон ҳаёти мумкин.

Аҳоли ҳар ҳафтанинг белгиланган кунларида текширув ва клиник таҳлиллардан тўлиқ ўтказиладиган ишловчи ва туғиш ёшидаги аёллар учун ҳам махсус кунлар саломатлик ҳафталиги ичига киритилиб, уларнинг тиббий кўриқдан ўтишлари учун шароит яратиб берилмоқда.

Маҳаллалар билан ҳамкорликда ўтказилаётган тадбирлар, нафақат оналар ва болалар, балки барча фуқаролар саломатлигини мустаҳкамлаш ва яхшилашга, турли юқумли касалликларнинг олдини олишга қаратилган.

Оила қураётган ёшлар билан давра суҳбатлари ташкил қилинмоқда. Оилада тиббий маданиятни ошириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мавзудаги тадбирлар, ҳар ойда мунтазам равишда уюштирилади.

Ҳа, инсон саломатлиги энг олий неъмат. Бу йўлда олиб борилаётган эзгу ишлар масъулияти жуда каттадир.

Саҳифа материалларини Гулчеҳра ДУРДИЕВА тайёрлади
Ислом Исмоилов олган суратлар

Инсон ва табиат

ЭКОЛОГИК НАЗОРАТ ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

Тошкент шаҳар ҳокимлигида экологик назоратни амалга оширишда жамоатчилик иштирокини таъминлашга оид халқаро тажрибага бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси, Экоҳаракат депутатлар гуруҳи ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда депутатлар, тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиат бойликлари билан оқилона фойдаланишга устувор аҳамият қаратилаётгани БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига уйғун экани, бу эса глобал экологик муаммоларнинг олдини олиш, табиат ва инсон ўртасидаги мувозанатни сақлашда муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди. Бу борада қабул қилинган йигирмадан зиёд қонун ва юздан ортиқ қонуности ҳужжати соҳадаги ишларни тартибга солишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Экология соҳасидаги дастур ва лойиҳаларни амалга оширишда давлат ташкилотлари билан бир қаторда жамоат тузилмалари ҳам фаол иштирок этаётди.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан баён этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида бу борадаги ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш билан боғлиқ кенг қамровли вазифалар белгиланган. Ушбу чора-тадбирларни ҳаётга изчил татбиқ этиш мақсадида «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, жамоатчилик иштирокида кенг муҳокама қилинмоқда.

Давра суҳбатда экологик назоратни амалга оширишда жамоатчилик иштирокини таъминлаш бўйича халқаро тажриба, «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг йўналишлари, мазмун-моҳияти тўғрисида маърузалар тингланди. Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари янги қонун лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан ўз таклифларини билдирдилар.

Қарор ва ижро

ИНТЕРНЕТ ФЕСТИВАЛИ БОШЛАНДИ

Мамлакатимизда миллий UZ домени интернет фестивали ўз ишини бошлади. Ушбу тадбир «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ва «UZINFOCOM» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси кўмағида ташкил қилинди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ахборот соҳасида кенг қўламли ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Хусусан, интернетни барча ҳудудларда оммалаштириш ва ундан кенг аҳоли қатламлари фойдаланиши учун имконият яратишга қаратилган ўзгаришлар шулар жумласидандир. Ўзбекистон Республикасининг 2013-2020 йилларга мўлжалланган Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш бўйича комплекс дастурининг қабул қилиниши бунга аққол мисол бўла олади. Мазкур дастур мамлакатимиз раҳбарининг 2013 йил 27 июндаги тегишли қарори билан тасдиқланган.

Бу йил фестивал 13 август – 23 сентябрь кунлари бўлиб ўтади. Аҳолининг кенг қатламлари орасида интернет тармоғини оммалаштириш, миллий контентни ривожлантиришга қўмаклашиш ва жаҳон ахборот тармоғида ўзбек тилидан фойдаланиш қўламини кенгайтириш унинг асосий вазифалари сирасига киради.

Танловда фестивал ўтказиладиган давр мобайнида амал қилувчи ва UZ доменида рўйхатдан ўтган сайтлар иштирок этиши мумкин. Танловда иштирок этиш учун номзод кўрсатиш ҳайъат аъзолари, сайт эгалари, барча хоҳловчилар томонидан фестивалнинг расмий сайти – www.if.uz да берилган шакл бўйича амалга оширилиши мумкин. Иштирок этиш учун 2013 йилнинг 13 августидан 10 сентябргача ариза бериш мумкин.

Фестивалнинг танлов дастури 10 мавзули ва 2 махсус номинацияни ўз ичига олади. Дастурда WWW.UZ миллий кидирув тизими томонидан 10 та мавзули номинациянинг ҳар бири бўйича иштирокчилар учун махсус совринлар кўзда тутилган. Муайян даврда ҳар бир мавзули номинация иштирокчилари ўртасида энг кўп хост тўплаган 10 та сайт ғолиб деб топилди. 2013 йил фестивали танлов дастурининг ўзига хос жиҳати шундаки, мавзули номинацияларда интернет давлат хизматлари кўрсатилишини баҳолаш, «Тармоқ сервислари соҳасида энг яхши сайт» категориясида «Электрон тижорат» махсус кичик номинацияси жорий қилинишига эътибор қаратилади.

Фестиваль ташкилотчиларининг маълум қилишича, ғолибларни тақдирлаш маросими 23 сентябрда пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида анъанавий «InfoCOM-2013» ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталигининг биринчи кунда бўлиб ўтади.

(ЎЗА)

Таълим

ЎҚУВ ЙИЛИГА МУНОСИБ СОВҒА

Истиқлол эпкинлари эсаётган юртимизда, айниқса ёш иқтидорларни қўллаб-қувватлаш, уларга зарур шарт-шароитларни яратиб бериш йўлида амалга оширилаётган ишлар таҳсинга сазовордир.

Юнусобод машинасозлар касб-хунар коллеж биносининг тўлиқ таъмирдан чиқарилиши ҳам янги ўқув йилига муносиб совға бўлди. Бу ерда устаконалар, компьютер хоналари, махсус фанлар учун алоҳида хоналар ҳам ўзига хос кўринишга эга бўлди.

Мустақиллигимизнинг йигирма икки йиллиги ҳамда янги ўқув йилига муносиб совға сифатида коллежда ярим йил давомида таъмирлаш ишлари олиб борилди.

— Шаҳримиздаги барча ўқув муассасалари дунё стандартларига жавоб бера оладиган тарзда таъмирланиб, керакли ўқув жиҳозлари билан таъминланган, — дейди Юнусобод машинасозлар касб-хунар коллежи директори Широzi Мисиров биз билан суҳбатда. — Иқтидорли, изланувчан ёшлар учун имкониятлар

эшиги очик ва уларнинг истиқболи йўлида зарур шароитлар муҳайё этилган. Асосий мақсадимиз эса муассасамизда тахсил олаётган ҳар бир ёшнинг қизиқишига қараб уни қўллаб-қувватлаш, истеъдодларини янада шакллантиришдан иборатдир.

— Коллежда бугунги кунда 10 та йўналиш бўйича мутахассис кадрлар тайёрланади, уларга 83 нафар малакали ўқитувчилар сабоқ берадилар.

Ҳа, ҳар қандай иқтидор изланиш, ўрганиш, шаклланиш жараёни оқали юзага чиқади. Мазкур ўқув муассасасида тахсил олаётган ўқувчиларнинг истиқболда шуъали кунлар ёғдусини кўргандай бўлди. Янгитдан таъмирланган бино эса ўқувчиларга янада шижоат бағишлаб, уларни қўллаб-қувватлади.

1967 йилда ташкил топган «Бободехқон» маҳалласида борганимизда кўпгина янгиланишларнинг гувоҳи бўлдик. Чунончи тўртта кўча асфальтланиб, жорий таъмирдан чиқарилибди, кўчаларни кесиб ўтувчи ариқларга ҳомийлар ёрдамида 3 та кўприк қурилгани ҳам маҳалла аҳли учун яратилган қулай шароитлар сирасига киради.

— Маҳалламиз туман миқёсида алоҳида нуфузга эга масканлардан биридир, — дейди «Бободехқон» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Мастура Қорабоева. — Бунга кўчаларнинг ободлиги, кўркам ва шинамлиги, хонадонлар аҳлининг тинч-тотув ҳаёти, катталар ҳурматда-ю кичиклар иззатдаллиги, энг муҳими, бир-биримизга меҳр-оқибат муҳассамлиги туфайли эришдик.

МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАР ҲАЁТ

6504 нафар аҳоли ва 1100 та оилани бирлаштириб турувчи мазкур маҳалла жорий йилда ўтказилган «Энг намунали маҳалла» кўрик-танловининг туман босқичида биринчи ўринни қўлга киритган.

Истиқлолимизнинг йигирма икки йиллигини «Бободехқон»

маҳалласи аҳли ҳам юқоридаги каби ўзига хос ютуқлар билан қутишга шайланган. Ушбу файзли гушада яна кўпгина ўзига хос янгиланишлар, ободонлаштириш ва кўламазорлаштириш ишлари амалга оширилди.



ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ (2006 йил)

Тарих узокдан яқин кўринади, деган гап бор. Чиндан ҳам, яқин тарихни битиш — қийин. Чунки жараён тугамаган — у қизғин давом этапти...

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 февралдаги Қарори билан Мустақиллик обидаси ва Бахтиёр она ҳайкали Мустақиллик ва эзгулик монументи деб номланди.

2006 йил «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» сифатида тарихга кирди. Бу амалда олдинги йиллардаги ижтимоий йўналишларнинг изчил давоми эди. Ҳомийлик кўпроқ аҳолининг кам таъминланган, муҳтож қатлами кўллаб-қувватлашни кўзда тутиб, шифокорларга эътибор замирида халқ саломатлигини муҳофаза қилиш мақсади эди. Барча ҳудудларда кам таъминланган кўпдан-кўп оилаларга ҳомийлар томонидан моддий ёрдамлар берилди.

2006 йил 29 июнда чиқарилган «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойишда айнан қайси тармоқдаги қонун ҳужжатларига, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши лозимлиги белгилаб берилди.

2006 йил эзининг бир ойи мобайнида бир-бирига чамбарчас боғлиқ бир неча воқеани алоҳида айтиб ўтмаслик мумкин эмас.

25 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини таъсис этиш тўғрисида»ги Фармони чиқди. Ҳар икки йилда бир бор шу соҳалар бўйича 3 та биринчи ва 3 та иккинчи даражали мукофот бериладиган бўлди.

7 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори имзоланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ташкил этилди.

Мақсад — илм-фанга оқилона маблағ ажратиш, тадқиқотлар йўналишини ҳаёт эҳтиёжларига яқинлаштириб, энг муҳим, ўта долзарб мавзуларга буриш, фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштиришни такомиллаштиришдан иборат.

Халқ бор экан, Ватан бор экан, Давлат бор экан, бу уч буюк бойлик бирлигига эришиш, шу бирлиكنи асраб-авайлаш, қадрига етиш — шу Халқ вакили, шу Ватан соҳиб, шу Давлат фуқароси бўлган ҳар бир кишининг муқаддас бурчига айланиши лозим. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида» 2006 йил 25 августдаги Қарори билан танишган киши бевосита шундай хулосага келади.

Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг 2006 йил 16 сентябрь куни бўлиб ўтган йиғилишида ана шу қарор ижросини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Моҳиятини ўйлаб кўрсангиз, бу — ниҳоятда муҳим ҳужжат. Чунки, қарорда қайд этилганидек, Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиклолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш, эҳтимол, ҳеч қачон бўлунгидек долзарб масалага айлانмагандир.

Халқаро майдонда мафқуравий, ғоявий ва ин-формацион курашлар кучайиб бораётгани ҳеч

кимга сир эмас. Ҳозирги мураккаб ва таҳлика-ли даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларимизни турли мафқуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабати-ни шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган во-қеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамла-катимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимиз-га хавф тўғдириши мумкин бўлган тажовузлар-га қарши изчил кураш олиб бориш вазифаси бу соҳадаги ишларни, жумладан, Республика Маъ-навият ва маърифат кенгаши фаолияти ва тар-кибий тузилишини қайта қўриб чиқишни тақозо этгани учун шу қарор қабул қилинди.

Президент қарори бундан буён ишни шу асосда тамоман янги савия ва даражада йўлга қўйишни талаб этади.

Шуни айтиш керакки, халқаро майдонда мафқуравий, ғоявий ва ахборий курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда ғоя ва мафқура тарғиби-тини, бир лаҳза бўлсин, сусайтириш мум-кин эмас.

27 октябрь куни Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги ва Соҳибқирон Амир Темур тавал-лудининг 670 йиллиги тантанали равишда нишонланди. Унда Ўзбекистон Республика-си Президенти Исрол Каримов иштирок этиб,

табрик сўзи билан чиқди. Юртбошимиз Қарши шаҳ-рининг 2700 йиллиги ЮНЕСКО тарафидан эъти-роф этилганини айтиб, жумладан, шундай деди: «Қадри дўстлар, биро-дарлар, менга буюрса, мана шундай ҳаяжонли дақиқаларда Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг юксак гурур ва ифтихор

тўла сўзларини давом эттириб, шундай деган бўлардим: кимки бизнинг куч-қуд-ратимизни, халқимизнинг азму шижоа-тини, қандай буюк ишларга қодир экан-ини кўрмоқчи бўлса, мана шу Қарши шаҳрида, бутун Ўзбекистонда амалга оширилган бунёдкорлик ишларимизни келиб кўрсин».

Китоб деганининг сехри бор. Қўлга олишин-гиз билан, ҳали варақламасдан туриб, сизда фикр-мулоҳаза уйғотаверади. Айниқса, у маъ-лумотлар хазинаси бўлса, беихтиёр сизни меҳ-ригидек ўзига жалб этаверади...

1996 йил 4 сентябрида Ўзбекистон Респу-бликаси Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон Рес-публикаси қомусини нашр этиш тўғрисида» махсус қарор қабул қилди. 1997 йил 20 мар-тида Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриётини ташкил этиш тўғрисидаги қарори чиқди. Шулар асосида 2000 йили «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»нинг 1-жилди чоп этилди. Унинг якуновчи 12-жилди эса 2006 йили чиқди.

Миллий қомус — халқ тафаккури кўзгуси. Дунёдаги унча-мунча халқ ўз миллий энцикло-педиясини яратиш салоҳиятига эга эмас. Кўпжилдлик энциклопедияни чоп этиш учун миллат асрлар мобайнида илмий, маънавий, маданий, бадиий, ижтимоий-сиёсий ва ҳоказо соҳалар бўйича эришган муайян билимлар хазинасига эга бўлиши керак.

2006 йил 11 ноябрда Хоразм Маъмур академиясининг 1.000 йиллиги тантаналари ўтказилди.

26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил» эсдалик нишонини таъсис этиш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.

2006 йил якунлари ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримов шундай деган эди: «Иқтисодий-иштининг барқарор ўсиш суръатлари 107,2 фоизни ташкил этгани, харидорбоп маҳсулотлари-мизни четга сотиш, яъни экспорт миқдори тахминан 30 фоизга, олтин-валюта захира-ларимиз 33 фоизга, давлат бюджетимиз-нинг ҳажми 27 фоизга ўсгани, шулар ҳисо-бидан меҳнатчиларимизнинг реал иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалари 36 фоизга кўпайгани, инфляция — нарх-навоининг ўсиш даражаси эса 7 фоиздан ошмагани мамла-катимиз жорий йил мобайнида қандай юксак марраларга эришганининг яққол тасдиғидир».

Йил йилга улашиб кетаверади. Ҳар гал Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун тантанасида кейинги йил-нинг мамлакатимиз учун йўналиши белгилаб олинади. Асосий Қонунимизнинг 14 йиллиги тантанасида Юртбошимиз томонидан 2007 йил «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинди.

Олим МАҲМУДОВ
(Келгуси сонда 2007 йил воқеалари тафсилоти билан танишасиз).



МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

Истак бу ҳали имконият дегани эмас.

Сўзнинг яхшиси — қис-қаси.

Арзимаган хато бошингга тўқмоқ бўлиб тушиши мумкин.

Ҳаётда ҳеч нарсага эришмаган кимса аламзада бўлади.

Айби борнинг дарди ичида.

Оқил бекорчи ишларга вақт сарфламайди.

Нодондан бир умр қутул-майсан.

Бировнинг оғирлигини кўтариш бошқага ҳамиша малол келади.

Ёмонликнинг илдизи чуқур.

Ўткинчи ташвишлар, бекорчи ишлар кўп вақти-мизни олиб қўяди.

Ёмондан омон йўқ.

Арзонни излайверган қимматга тушади.

Бир ёмон қанча яхшилар-нинг орасини бузади.

Нокас бошқаларни уриш-тириб қўйиб, ўзи томоша қилишни хуш кўради.

Номард ўз айбини бош-қаларга тўнкаб, сувдан куруқ чиқмоқчи бўлади.

Содда — номард учун текин ўлжа.

Майда одам кайфиятига қараб муомала қилади.

Ким яхшиликка сабаб бўлади, ким ёмонликка.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 16 августда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво ларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яра-тади. Атмосферанинг иф-лосланиш даражаси 1-3 фоиз кўпайиши тахмин кечаси — 18-20, кундузи — 35-37 даража иссиқ бўлади.



**МУСТАҚИЛЛИК —
ЭНГ УЛУҒ,
ЭНГ АЗИЗ НЕЪМАТ**

“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ” МАЖМУАСИ



БУГУНГИ ҲОЛАТ

АВВАЛГИ ҲОЛАТ



Кўргазмалар

КОРЕЯ ЗАМОНАВИЙ КУЛОЛЧИЛИГИ НАМОЙИШИ

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз кўплаб давлатлар билан ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлик муносабатларини ўрнатди ҳамда уни изчил ривожлантирмоқда.

Мана бир неча йилдирки, хорижий халқлар маданияти ва санъатини намойиш этиш яхши анъанага айланган. Пойтахтимизда корейс, хитой, япон ва бошқа дунё халқларининг маданият арбоблари кўргазмалари ва маданий концерт дастурлари тез-тез уюштириб турилмоқда.

Ёшлар ижод саройида бўлиб ўтган корейс усталарининг замонавий кулолчилик асарлари кўргазмаси ҳам шулар жумласидандир. Мазкур кўргазма Фонд Форум, Ёшлар ижод саройи ва «Аспан Тур» МЧЖ ҳамкорлигида ташкил этилди.

Корейс кулоллари томошабин ҳукмига жозибдор, ҳис-туйғуга тўла, маънадор, халқининг ўзига хос маданиятини ақс эттирувчи асарларни ҳавола этаётганини айтиб ўтиш жоиз. Кўргазмани томоша қилиб туриб ҳар бир муаллифлик асари турли шакл ва ком-

позицион ечими билан бетакорлигини кўриш мумкин. Ҳар бир асар биринчи навбатда муаллифнинг қалби ва ички жўшқин ғайратини ўзида мужассам этган. Ушбу туйғу томошабин ҳукмига ҳавола этилди.

— Бугунги кўргазмада Жа-нубий Кореядан ташриф буюрган 14 нафар ижодкор ўз замонавий кулолчилик асарлари билан иштирок этмоқда, — дейди Ёшлар ижод саройи кўчма кўргазмалар мудири, санъатшунос Эйтибор Мирзаназарова. — Уларнинг асарлари замонавий бўлишига қарамай, асрлар давомида сақланиб келган анъана-лар бугунги кунда ҳам ўз аксини топганини кўриш мумкин. Ташриф буюрган кулолларимиз корейлик ҳамкасбларининг ишлаш техникаси, танлаган ранглари эътироф

этишмоқда. Энг муҳими, ушбу кўргазма Ўзбекистон ёш кулолчилари учун фикр ҳамда тажриба алмашиш мактаби бўлиб хизмат қилади. Асарларни томоша қиларкансиз уларнинг оддий кулолчилик асарлари эмаслигини, барчасида фалсафий тушунча, маъно уйғунлигини кўриш мумкин. Таъкидлаш жоизки, мазкур кўргазма корейс халқининг қадимдан сақланиб келаётган бой меросининг бир қисми бўлиб, уни ўз давомчиларига етказиш ниятида.

Кўргазмада Юн Хью Сукнинг бамбук билан безатилган «Гулдон», Ли Кю Суннинг «Бахт», Ким Юнг Сеоннинг «Комиллик» каби кулолчилик асарлари мухлислар эътиборига ҳавола қилинди.

Зиёда РАСУЛОВА
Ислом Исмоилов олган сурат



Тошкент давлат аграр университетиде Тошкент вилоятидаги корхона, ташкилот ва муассасаларнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотлари етакчиларининг форуми бўлиб ўтди.

ЕТАКЧИЛАР ФОРУМИ

«Ватан равнақи йўлида бирлашайлик!» шиори остида ўтган ушбу тадбирдан қўзланган мақсад намунали бошланғич ташкилотлар тажрибасини оммалаштириш, етакчилар билим ва кўникмасини юксалтириш, ёшларнинг мамлакатимизда рўй бераётган ўзгариш ва янгиланишлар, амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга дахлдорлик ҳиссини янада оширишдан иборат.

Форум доирасида ташкил этилган ўқув-семинарда Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китобида баён этилган устувор ғоя ва вазифалар, ёшларга оид давлат сиёсати ва ислохотларни амалга оширишда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ўрни қандай бўлиши лозимлиги атрофида муҳокама этилди.

Тадбир якунида фаол иштирок этган бошланғич ташкилотлар етакчилари рағбатлантирилди. «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.

Х.САЛИМОВ,
ЎЗА мухбири

Спорт янгиликлари

«ЛОКОМОТИВ» ЯНА ПЕШҚАДАМ

Профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасида ўтказилган мамлакат XXII миллий чемпионатининг 15-тур беллашувларидан сўнг турнир жадвали пешқадами ўзгарди.

Шаҳримиздаги «Жар» стадионида турнир марказий учрашуви бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Кубоги соҳиби «Бунёдор» жамоаси амалдаги чемпион «Пахтакор» командасини қабул қилди.

Айтиш жоизки, шу кунгача бу икки жамоа чемпионат ўйинларида 15 марта ўзаро куч синашган бўлса, пахтакорчиларга бирор марта «Бунёдор» устидан ғалаба қозониш насиб этмаган эди. Бу сафар пахтакорчилар меҳмонда ўйнашларига қарамай ноҳуш анъанага чек қўйишди. 90 дақиқа давом этган баҳс қизиқарли ва мурасиз курашлар остида кечди. Майдон эгалари ҳам, меҳмонлар ҳам дарвозалар томон кўп марта хавфли ҳужумлар уюштиришди. Таъкидлаш жоизки, пахтакорчилар посбони Лобанов шу кунги ўз жамоасини бир неча марта муқаррар голлардан сақлаб қолди. Пахтакорчилар томонидан уюштирилган хавфли ҳужумларнинг икkitаси гол билан якунланди. Маҳарадзе ва Абдухолиқов голларга муаллифлик қилишди. Ўйин якунланишига санокли дақиқалар қолганида Лутфулла Тўраев меҳмонлар дарвозасига тўп киритиб ҳисобнинг бир оз қисқаришини таъминлади. Шундай қилиб учрашув 2:1 ҳисобида Мурод Исмоилов шоғирдларининг ғалабаси билан якунланди. «Пахтакор» жамоасининг ушбу ғалабаси чемпионлик учун астойдил курашаётган «Локомотив»га кўл келди. Чунки Олмалиқда «Олмалик» жамоаси меҳмони бўлган «Локомотив» командаси мурасиз кечган баҳсда 2:1 ҳисобида зафар кучди ва очколари сонини 36 тага етказиб турнир жадвалида яна пешқадам бўлиб олди.

Қолган учрашувларда куйидаги натижалар қайд этилди: «Шўртан» — «Динамо» — 1:1, «Навбахор» — «Нефтчи» — 1:1, «Бухоро» — «Металлург» — 3:1, «Гулистон» — «Сўғдиёна» — 2:0, «Қизилқум» — «Насаф» — 0:1.

ЎСМИРЛАР ТЕРМА ЖАМОАМИЗ ХИТОЙДА

Жорий йилнинг 17 августидан Хитойда ўсмирлар ўртасида II Осиё ўйинлари бошланади.

Қитъамизнинг энг иқтидорли ёш спортчилари қатори Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзолари ушбу нуфузли турнирда спортнинг ўндан ошқ турида голиблик учун кураш олиб боришади.

Осиё ўйинларида асосан совринли ўринлар учун кураш олиб боришга аҳд қилган ҳамюртларимиз Тошкентда сўнгги ўқув-машғулот йигинларини ўтказиб Хитойга жўнаб кетишди. Мутахассислару мухлис-ларнинг фикрича оғир атлетика, сузиш, қиличбоз-лик, каратэ, кураш ҳамда футбол мусобақаларида совринли ўринларга даъвогар ҳисобланаётган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасига Осиё ўйинларида омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI XUSUSIYLASHTIRISH, MONOPOLIYADAN CHIQARISH VA RAQOBATNI RIVOJLANTIRISH DAVLAT QO'MITASI

**ISTE'MOLCHI,
HUQUQINGIZ BUZILDIMI?
MUROJAAT ETING!**



ISHONCH TELEFONI: 233-09-39

Тошкент шаҳри, Учтепа туманидаги 203-сонли ўрта мактаб томонидан 2003 йилда Юнусова Наргиза Улуғбековна номига берилган № 0396217 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳри, Яккасарой туманидаги 73-сонли ўрта мактаб томонидан 1993 йилда Раҳимова Нигора Абдузоҳидовна номига берилган АУ №324075 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«ТОШКЕНТ ОКШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзил: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.



Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот босқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Навр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
9030 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул
Д. Исроил

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ